



1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

Fidoyilik — Vatanga xizmat demak!

2026-yil 19-mart, payshanba, 25 (24.205)-son

Biz Vatanimiz kuch-qudratini oshirish, har bir oila va har bir insonning hayotini yaxshilash bo'yicha yanada katta marralarni olganmiz.

Shavkat MIRZIYOYEV.

Zarafshon

САМАРҚАНД ИШСИЗЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИҚДАН ХОЛИ ХУДУД БЎЛИШИ ЗАРУР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 март куни ҳудудларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, sanoat, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа соҳалардаги лойиҳалар билан танишиш ҳамда янгиларини ишга тушириш, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича навбатдаги устувор вазифаларни белгилаш мақсадида Самарқандга келди.



Давлатимиз раҳбари вилоятга таърифни Самарқанд шаҳридаги **Ёшлар креатив парки** билан танишишдан бошлади.

Бугунги кунда шаҳар кенгайиб, йирик мегаполисга айланиб бормоқда. Кейинги йилларда бу ерда янги аҳоли турар жойлари, ижтимоий соҳа объектилари ташкил этилди, аҳоли сони анча ошди. Табиийки, бундай шароитда шаҳарда яшил майдонларни кўпайтириш, янги боғ ва хиёбонлар, аҳоли дам олиш масканлари яратилишига эҳтиёж ошади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида вилоятда ҳар йили 16 миллион туддан ортик дарахт кўчатлари экилмоқда. Жорий йил баҳорги мавсумда ҳам 6,3 миллион туп мевали ва манзарали дарахт, бутта кўчатлари ўтказиш режалаштирилиб, айни пайтда вилоятнинг барча ҳудудларида бу жараён давом этмоқда.

Ўзбекистон кўчасида жойлашган собик ҳарбий госпиталь ўрнидаги 5,4 гектар майдонда 70 миллиард сўндан ортик ҳомийлик маблағлари ҳисобидан Ёшлар креатив парки ташкил этилди.

Бу ерда маданий мерос объектилари рўйхатиغا олинган 5 та бино ва иншоот бўлиб, эндиликда улардан ёшлар учун замонавий ва рақамли кутубхона, кўп тармоқли ўқув маркази, креатив тўғрақлар, сўбний интеллект, 3D моделлаштириш, робототехника ва киберспорт ўйинлари марказлари сифатида фойдаланилади. Ахборот-ресурс маркази, спорт заллари, ер ости экомужейи ташкил этилди.

Ёшлар креатив парки, айниқса, йигит-қизлар учун нафақат дам олиш маскани, балки ахборот технологиялари соҳаси ва спорт билан шуғулланиш, стартап лойиҳаларни амалга ошириш

учун қулай жой бўлади.

Вилоят шахмат федерацияси ҳам янги боғда жойлашган. Федерация томонидан бу ерда ўқув-машғулот йиғинлари, мусобақалар ўтказиш имконияти мавжуд.

Боғда болалар аттракционлари, фитнес заллари, стол тенниси зали, теннис кортлари, воркаут ва мини гольф майдонлари барпо этилган. Худудда Нурунийлар маскани, ўндан ортик айвончалар қурилган.

Президентимиз дастлаб "Profi deutsch" немис тилини ўқитиш ва имтиҳон маркази фаолияти билан танишди.

Ушбу лойиҳанинг муҳим жиҳати "Telc" имтиҳон маркази Марказий Осиёда илк бор Самарқанд шаҳрида иш бошлаётгани. Марказда ёшлар немис тилини ўрганиб, халқаро "Telc" сертификатини олади. Сертификат соҳиблари Германияда дуал касбий таълимда ўқишини давом эттиради, бандлиги таъминланади. Жорий йилда бундай имтиҳон марказини мамлакатимизнинг яна бешта ҳудудидида очиб режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбарига "Муҳаммад ал-Хоразмий ворислари" лойиҳаси бўйича қилинаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Лойиҳа доирасида 8-11 синф ўқувчиларига рақамли технологиялар ва хорижий тиллар чуқур ўргатилади. Уқувни муваффақиятли яқунланганларга махсус сертификат берилди.

Шунингдек, "Алоқа банк" ва Миллий банк консултиватив марказининг тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ёшларга имтиёзли кредит ажратиш, стартап лойиҳаларини кўллаб-қувватлаш бўйича ишлари, Ёшлар ишлари агентлигининг "Ибрат фарзандлари", "Мутулаа", "Қизлар академияси" лойиҳалари билан танишилди.

Давлатимиз раҳбари ёшлар билан

мулоқот қилди, уларнинг лойиҳалари билан танишди. Жумладан, "Zamin" халқаро жамоат фонди томонидан амалга оширилаётган "Eco-schools Uzbekistan" лойиҳасида иштарок этаётган ёш экофаоллар 2026 йил учун режалари ҳақида сўзлаб бердилар.

– Янги Ўзбекистонда юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналарни барпо этишимиз, юқори даромадли иш жойлари очилиши. Биз буни сизларга – билимли ёшларга ишониб қиялқимиз. Бунинг учун ҳар дақиқангиз келажакнингиз учун хизмат қилсин, дўстингиз китоб бўлсин. Бирор билимини чуқур эгаллаш ва тўғри йўлни топиш учун инсонга диққат, сабр-тоқат, иштиёқ керак. Мана шу иштиёқингиз сўнмасин. Сизлар бераётган тақлифлар бизнинг ишхотларимиз госяига мос, мен ҳар қандай тақлиф ва ташаббусларингизни қўллаб-қувватлашга тайёрман, – деди Президентимиз.

Самарқанд шаҳрида бундай замонавий таълим ва дам олиш масканларини кўпайтириш бўйича масъулларга топшириқ берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида жамоат транспорти учун олиб келинган **замонавий электробуслар ва қувватлаш станцияси** фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 17 февралда қабул қилинган "Жамоат транспорти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ҳудудларда ҳам автотранспорт хизматлари яхшиланиб, жамоат транспорти йўналишлари кенгайтирилмоқда. Бунда автобус паркларини замона-



вий талаблар асосида модернизация қилиш, йўналишлар бўйлаб экологик тоза автотранспорт қатновини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни мақсадларда Самарқанд шаҳрига биринчи босқичда 49 миллион доллар ҳисобига 100 та замонавий электробус олиб келинди. "Yutong" русумли мазкур электробуслар 30 ўринли бўлиб, умумий сифими 75 нафар йўловчидан иборат.

Янги электробуслар учун 4 гектарга яқин майдонда автосарой ташкил этилган. Бу ердаги электробусларни қувватлаш станциясида бир вақтнинг ўзида 50 та жамоат транспортга хизмат кўрсатиш имконияти яратилди. Электробуслар учун барпо этилган

ёпиқ тураргоҳда техник хизмат кўрсатиш учун мобил таъмирлаш техникаси ҳам мавжуд. Электробуслар шаҳарнинг 9 та йўналишида брутто-шартнома асосида ҳаракатланиб, кунига 70 мингга яқин йўловчига хизмат кўрсатмоқда.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида эса яна 250 та электробус харид қилиш назарда тутилган. Бунинг учун Европа тиклиниш ва тараққиёт банкидан 120 миллион доллар маблағ жалб қилиш режалаштирилган. Натижада ёқилғи сарфи 32 минг литр, зарарли газлар миқдори 27 тоннага камаяди.

Бугунги кунда автосаройда 265 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Янги электробусларнинг олиб келиниши жараёнида эса яна 500 дан зиёд иш ўринлари яратилади.

Президентимиз янги автобусларни кўздан кечирди.

– Мазкур соҳанинг иқтисодий барқарорлигини ошириш учун электробусларга хизмат кўрсатадиган, уларни таъмирлайдиган мутахассисларни тайёрлаш бўйича Самарқанд тажрибасини яратишимиз керак, – деди давлатимиз раҳбари.

Шу ернинг ўзида Самарқанд шаҳрида жамоат транспортини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар, жумладан, автобуслар ҳаракатини бошқариш жараёнларини рақамлаштириш юзасидан тақдирот ўтказилди.

Президентимиз таширф асосида мазкур ҳудудга ёндош бўлган **Гагарин ва Рудакий кўчалари кесиммасида барпо этилган йўл ўтказгични** ҳам кўздан кечирди.

Уzunлиги 600 метрни ташкил этган

мажсуус ишлаб чиқилган бўлиб, чангга, жуда юқори ва жуда паст ҳароратларга ҳамда кўн бўронларига чидамли тизимлар билан жиҳозланган, узок масофаларга мўлжалланган.

Яқин орада "Жалолиддин Мангуберди" поезди Тошкент – Урганч – Хива йўналиши бўйлаб қатнай бошлайди. Катнов вақти 7 соатни ташкил этиши кутилмоқда.

Сафар чоғида давлатимиз раҳбари вилоят фаоллари, меҳнат фахрийлари ва илғор ёшлар билан самимий суҳбатлашди.

Юртимизда бўлаётган кенг кўламли ўзгиришлар, тобора кўпайиб бораётган йирик лойиҳалар, одамлар фаровонлиги ва қулайлиги учун амалга оширилаётган эзгу ташаббуслар ҳақида фикр алмашилди.

Нарпайга келгач, Президентимиз **гидропоника усулида ташкил этилган кулупнайчилик иссиқхонаси** фаолияти билан танишди.

Самарқандда азалдан деҳқончилик маданияти ривож топган. Ер ва сувдан унумли фойдаланиш бўйича тажриба катта. Нарпай туманида ҳам ҳар қарч ер майдони ва мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, илғор агротехнологияларни жорий этишга эътибор ортиб бормоқда.

Бугун гидропоника усулида мажсу-



лаштирилиб, манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев жамоатчилик вакиллари билан биргаликда юртимизга олиб келинган янги "Hyundai Rotem" юқори тезликда ҳаракатланувчи поездида Самарқанд шаҳридан **Нарпай туманига** келди.

Буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди номи билан аталган ушбу поезд мамлакатимизга етказиб берилиши режалаштирилган олтига "Hyundai Rotem" поездларидан биринчиси. Поезд етти вагондан иборат, соатига 260 километрга чад тезликда ҳаракатлана олади.

Ойналари қорайтирилган оқ рангли таркиб Ўзбекистон байроғини эслатувчи мовий, яшил ва қизил рангли чизиклар ҳамда "Жалолиддин Мангуберди" ёзувиغا эга. Поезднинг узунлиги 175 метрни, сифими эса учта – ВИП, бизнес ва эконот тоифаларида 390 нафарга яқин йўловчини ташкил этади.

Поезд Ўзбекистон иқлими учун мажсуус ишлаб чиқилган бўлиб, чангга, жуда юқори ва жуда паст ҳароратларга ҳамда кўн бўронларига чидамли тизимлар билан жиҳозланган, узок масофаларга мўлжалланган.

Яқин орада "Жалолиддин Мангуберди" поезди Тошкент – Урганч – Хива йўналиши бўйлаб қатнай бошлайди. Катнов вақти 7 соатни ташкил этиши кутилмоқда.

Сафар чоғида давлатимиз раҳбари вилоят фаоллари, меҳнат фахрийлари ва илғор ёшлар билан самимий суҳбатлашди.

Юртимизда бўлаётган кенг кўламли ўзгиришлар, тобора кўпайиб бораётган йирик лойиҳалар, одамлар фаровонлиги ва қулайлиги учун амалга оширилаётган эзгу ташаббуслар ҳақида фикр алмашилди.

Нарпайга келгач, Президентимиз **гидропоника усулида ташкил этилган кулупнайчилик иссиқхонаси** фаолияти билан танишди.

Самарқандда азалдан деҳқончилик маданияти ривож топган. Ер ва сувдан унумли фойдаланиш бўйича тажриба катта. Нарпай туманида ҳам ҳар қарч ер майдони ва мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, илғор агротехнологияларни жорий этишга эътибор ортиб бормоқда.

Бугун гидропоника усулида мажсу-

лот етиштириш амалиётига талаб катта. "Нарпай кулупнай" корхонаси ана шундай инновацион ёндашувини амалиётга татбиқ этиб, юқори иқтисодий самарадорликка эришаётган илғор тадбиркорлик субъектларидан бири ҳисобланади.

Лойиҳанинг умумий қиймати 650 минг долларни ташкил этиб, бир гектар майдонда замонавий иссиқхона барпо этилган. Мазкур иссиқхонада йилига 50 тонна кулупнай етиштириш имконияти мавжуд.

Айни пайтда корхона "Нарпай кулупнайлари" бренди остида мажсуулотларини маҳаллий йирик савдо тармоқларига етказиб бermoқда. Бу эса ички бозорни сифатли ва экологик тоза мажсуулотлар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Гидропоника технологияси асосида кулупнай тупроксиз, мажсуус озуқавий эритмалар ёрдамида парваришланади. Усимлик илдизлари ерда эмас, балки сувни яхши ўтказувчи кокос килиги муҳитида ривожланади. Бунда кулупнай зарур минерал моддаларни тўғридан-тўғри сув орқали қабул қилади. Бу эса ўсимлиқнинг энергия сарфини камайтириб, ўсиш жараёнини тезлаштиради. Ҳосилдорлик анъанавий усулларга нисбатан бир неча баравар юқори бўлади.

Шу билан бирга, гидропоника технологияси кичик майдонда катта ҳажмда мажсуулот етиштириш имкониятини яратади. Энг муҳими, тупроқдан фойдаланилмаслиги туфайли сув сарфи 80 фоизгача камаяди. Усимлик касалликлари хавфи паст бўлгани сабабли кимёвий воситалардан фойдаланиш минимал даражага туширилади. Бу эса мажсуулотнинг экологик тозаллигини таъминлашга хизмат қилади ва бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб беради.

Иссиқхонада сув тежамкор технологиялар жорий этилган. Хусусан, ёмғир сувини тўплаш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадида катта сифимли сув хавзаси барпо қилинган. Шунингдек, автоматлаштирилган гидропоника ускуналари, қуёш панеллари ва энергия тежамкор ёритиш тизимлари ўрнатилгани ишлаб чиқариш харажатларини камайтирмоқда.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

РАМАЗОН ҲАЙИТИ 20 МАРТ КУНИ НИШОНЛанаДИ

Давлатимиз раҳбарининг кеча қабул қилинган қарорига кўра, мамлакатимизда 2026 йил 20 март куни Рамазон ҳайити байрами сифатида кенг нишонланади.

Маҳаллий ҳокимликлар ҳамда мутасадди идораларга Рамазон ҳайитини ҳудудларда халқимизнинг миллий анъана ва урф-одатларига ҳамда Наврўз умумхалқ байрамига уйғун ҳолда кўтаринки руҳда нишонлаш, байрам кунларида аҳоли ўртасида меҳр-оқибат, ҳамжихатлик ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлашга қаратилган маданий-маърифий ҳамда хайрия тадбирларини ташкил этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси топширилди.

Рамазон ҳайити кунларида мўътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадимжоларга зиёратларни ташкил этиш мақсадида юртдошларимизга қулай шароит ва имкониятлар яратилади.

Ahiliik, saxovat va shukronalik g'oyalari ni o'zida mujassam etgan muborak Ramazon oyi yakuniga yetmoqda. Davlatimiz rahbarining shu yil 16-fevraldagi qaroriga ko'ra, Ramazon oyini munosib kutib olish va yuqori saviyada o'tkazish, diniy-ma'rifiy, madaniy qadriyatlarimizni asrab-avaylash va ulug'lash yuzasidan zarur chora-tadbirlar ko'rildi.

Viloyatimizda ham "Ramazon – mehr-muruvvat, ahiliik va shukronalik oyi" degan ezgu g'oya asosida ijtimoiy ko'makka muhtoj, nogironligi bo'lgan shaxslar, yolg'iz va keksalar, bemorlar holidan xabar olinib, ularga moddiy va ma'naviy yordam ko'rsatildi. Har bir shahar va qishloqda mehr-muruvvat, saxovat tadbirlari tashkil etildi, ijtimoiy himoyaga muhtoj oilalar yo'qlandi.

Muqaddas dinimiz ko'rsatmalarida ham muhtoj insonlarga yordam berish

YANGILANGAN ZIYORATGONDA HAYIT NAMOZI O'QILADI

eng savobi ulug' amallar sirasiga kirishi qayd etilgan. Rasululloh sollallohu alayhi vasallam "Menga zaif, bechoralarni topishga yordam beringlar. Sizlarning rizqingiz va yutuqlaringiz asosan zaif va bechoralarga yordam berishingiz sababidan ziyoda bo'ladi", deb ta'kidlanganlar.

Ramazon oyi davomida viloyatimizda davlat tomonidan hamda diniy soha vakillari va muruvvatli insonlar yordamida kam ta'minlangan, nogironligi mavjud, boquvchisini yo'qotgan, yolg'iz yashovchi oilalarga jami 3 milliard so'm miqdorida pul mablag'lari va oziq-ovqat mahsulotlari ehson qilindi. Imom xatiblarimiz mahalla faollari bilan hamkorlikda 700 dan ziyod kam ta'minlangan oilaning xonadonida bo'lib, ularga o'z yashash manzillarida iftorlik dasturxonlari tashkil etildi.

Bundan tashqari, 2000 nafar bemorning davolanishi, 300 nafar imkoniyati cheklangan shaxslarga maxsus uskunalar xarid qilishlariga ko'maklashildi. Shuningdek, uy-joyida kam-



chiliklari bo'lgan bir nechta xonadonlar ta'mirlandi. Talaba yoshlarning o'quv shartnoma pullarini to'lab berishda ham viloyatimiz bo'min musulmonlari o'z saxovatlarini namoyon qildilar. Bu xayrli ishlar mahalliy hokimliklar, ijtimoiy himoya milliy agentligi va O'zbekiston musulmonlari idorasining joylardagi bo'limlari, "Vaqf" xayriya jamoat fondi, mahalla faollari va imom-xatiblar hamkorligida amalga oshirildi. Ramazon oyi yakunlanishi bilan hayit

namozi ado etiladi. Ayni paytda viloyatimizdagi 286 jome masjidida bu ibodatni bekamu ko'st, jamoat tartibi va xavfsizlik ta'minlangan holda o'tkazish yuzasidan zarur chora-tadbirlar ko'rilmogda. Masjidlarda va ularning atrofini obodonlashtirish, namozga keluvchilarga qulay sharoit yaratish bo'yicha hamkor tashkilotlar bilan hozirlik ishlari olib borilmogda.

Bu yilgi Ramazon hayitining barchamiz uchun ahamiyatli jihatlardan biri, shubhasiz, hurmatli Prezidentimiz tashabbuslari bilan yangidan bunyod etilgan Imom Buxoriy majmuasida hayit namozining o'qilishi bo'ladi. Bugun ushbu qutlug' qadamjoning tantanali ochilishi marosimi o'tkazilishi ko'zda tutilgan va nasib etsa, ertaga barchamiz Ramazon hayiti namozini buyuk muhad-dis bobomiz ziyoratoghidagi ko'rkam va mahobatli masjidida ado etamiz!

Ramazon hayiti barchamizga muborak bo'lsin!

Ahmadxon ALIMOV, viloyat bosh imom-xatibi.

САМАРҚАНД ИШСИЗЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУД БЎЛИШИ ЗАРУР

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йил давомида барқарор етказиб беришни таъминлашда бундай лойиҳаларнинг аҳамияти алоҳида экани таъкидланди. Тадбиркорнинг истиқболдаги ривожланиш режалари ҳақида ҳам маълумот берилди.

Хусусан, келгусида лойиҳани кенгайтириш, қўшимча равишда 60 гектар майдонда янги иксийоналар барпо этиш режалаштирилган. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми йилга 300 минг тоннагача ошади. Янги иш ўринлари яратилди.

Давлатимиз раҳбари бундай усулдаги иссийоналарни аҳоли хонадонларида ҳам кўпайтириш орқали барқарор даромад манбаларини яратиш муҳимлигини таъкидлади.

– Бугун барча соҳада бўлгани каби мазкур йўналишда ҳам сунъий интеллектдан самарали фойдаланиш зарур. Агар ишлар тўғри ташкил этилиб, одамларни бу иш билан шуғулланишга ўргатса ва буни Нарпай тажрибаси сифатида кенг омалаштирсак, халқимиз гидропоника усулида йил давомида ҳосил етиштириб бозорни ҳам тўлдирди, яхшигина даромад ҳам қилади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президент Шавкат Мирзиёев Нарпай туманида жойлашган “Мароканд сифат” кластери тизимида чиқиндисиз технология тамойили асосида иш олиб бораётган корхона фаолияти билан танишди.

Кластерда пахта етиштиришдан тортиб, уни чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган тўлиқ қиймат занжири шакллантирилган. Хусусан, пахта ва уруғлик етиштириш, ёғ-мой ишлаб чиқариш, тола ва ип-калава тайёрлаш, шунингдек, тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқаришни қамраб олган 25 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилган. Бун-

дай ёндашув қишлоқ хўжалиги ва саноатни узвий боғлаш орқали юқори қўшимча қиймат яратиш имконини бермоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида корхона ип-калава ишлаб чиқариш бўйича йилга 5,5 минг тонна, тайёр трикотаж маҳсулотлари бўйича эса 1 миллион дона қувватга эга бўлди. Мазкур кўрсаткичлар 10 миллион долларлик экспорт салоҳиятини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса кластернинг ички ва ташқи бозорлардаги ўрнини мустаҳкамлашга замин яратади.

Корхона фаолиятининг яна бир муҳим жиҳати аҳоли бандлигини таъминлашга қўшаётган хиссасидир. Айни пайтда бу ерда 1 минг нафар доимий иш ўрни яратилган бўлса, мавсумий ишлар даврида яна 3 минг нафар аҳоли иш билан таъминланмоқда.

“Мароканд сифат” кластерининг мато қолдиқларини қайта ишлаш орқали ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонасини илғор ва самарали ташаббуслардан бири ҳисобланади.

Лойиҳа таркибида биолобатория ҳамда тикув цехлари фаолият юритмоқда. Бу ерда ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндиларни қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, тикув цехларида фойдаланиб бўлган мато қолдиқлари ташлаб юборилмайди. Улар замонавий, юқори тезликда ишловчи ускуналар орқали қайта ишланиб, яна ип-калава ҳолатига келтирилади. Ушбу йўналишда йиллик тола ишлаб чиқариш қуввати 5 минг тоннани ташкил этади. Бу эса ресурслардан самарали фойдаланиш ва экология барқарорлигини таъминлаш нуктаи назаридан муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 7 миллион доллар бўлиб, у 3,3 гектар майдонда жойлашган. Корхонада 500 нафар аҳолининг

доимий бандлиги таъминланган. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришда энергия тежамкор технологияларнинг жорий этилгани унинг иқтисодий самарадорлигини янада оширмоқда.

Ҳозирда корхона худудида қуёш панеллари ўрнатилган бўлиб, улар орқали ишлаб чиқариш жараёнида қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланилмоқда. Бу корхонанинг энергия харажатларини камайтириш билан бирга “яшил иқтисодиёт” тамойилларини амалиётга татбиқ этишга хизмат қилмоқда.

Президентимиз ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди ва тикув цехида меҳнат қилаётган ходимлар билан самимий суҳбат қурди.

– Сизлар билан учрашганимдан мамнунман. Бу ерда яратилган шароитлар, ташкил этилган иш ўринлари аҳолининг бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилапти. Ҳар бир амалга оширилаётган лойиҳа – юртимиздаги улкан ўзгаришларнинг бир қисми. Албатта, иш ўринларига талаб ошиб бормоқда. Шунинг учун биз янада фаол ишлаялмиз, ҳар бир ҳудудда янги имкониятлар яратишга ҳаракат қилялмиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёев вилоятга ташрифи доирасида ҳудудда йирик лойиҳаларни ишга тушириш ва қурилишни бошлашга бағишланган маросимда иштирок этди.

Тадбир доирасида вилоятда озик-овқат, энгил саноат, кимё ва фармацевтика, қурилиш материаллари, металл ва мебел саноати соҳаларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. Давлатимиз раҳбари ҳудуднинг замонавий ишлаб чиқариш қувватлари, илғор техника ва технологиялари, саноат маҳсулотлари билан танишди.

Самарқанд вилояти мамлакатимиз иқтисодиётида стратегик ўринга эга ҳудуд сифатида барқарор ривожланиб бормоқда. Сўнгги

йилларда бу ерда саноат ҳажми изчил ўсиб, қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити маҳаллий ҳамда хорижий сармояларни кенг жалб этишга мустаҳкам замин яратди. Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарнинг сони йилдан-йилга ортиб бораётгани бу борадаги ижобий динамикани аққол тасдиқлайди.

Маросимда шаҳар ва туманларда қарий 7 миллиард доллар инвестиция ҳисобига 106 та янги лойиҳа ишга тушириш ва қурилишга тайёр экани ҳақида ахборот берилди. Тадбирга видеоалоқа орқали янги қурилаётган ва ишга туширилаётган лойиҳаларнинг масъуллари ҳам уланди.

Ушбу лойиҳалар вилоят иқтисодиётининг турли тармоқларини қамраб олган. Жумладан, тоғ-кон саноати ва геология, қурилиш материаллари, автосаноат, кимё саноати, электротехника, қишлоқ хўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш ва туризм соҳаларида янги қувватларни ишга тушириш ҳамда истиқболли объектлар қурилишини бошлаш назарда тутилган.

Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев лойиҳалар ижрочилари, маҳаллий ва хорижий компаниялар вакиллари билан суҳбатлашди, уларнинг тақлиф ва ташаббусларини тинглади. Бу каби лойиҳалар Самарқанд вилоятининг саноат салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация қилиш ва ҳудудда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим омил бўлиши таъкидланди. Шундан сўнг давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, Самарқанд вилоятидаги йирик лойиҳаларни ишга тушириш ва янгиларининг қурилишини бошлаб берди.

Жумладан, Австрия, Хитой, Бирлашган Араб Амирикларини, Туркия, Ҳиндистон ва Россия билан ҳамкорликда 2 миллиард 400 миллион долларлик 53 та лойиҳа ишга тушди.

Шунингдек, Нидерландия, Япония, Жанубий

Корея, Хитой, Бирлашган Араб Амирикларини, Туркия, Россия ва Эрон билан ҳамкорликда 4 миллиард 600 миллион долларлик 53 та лойиҳа бўйича қурилиш ишлари бошланди.

Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳисобига 18 мингта янги иш ўрни яратиш, 13 триллион сўмлик саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва бунинг натижасида 700 миллион долларлик экспорт салоҳиятини таъминлаш имконияти пайдо бўлади. Бу эса вилоят саноатини диверсификация қилиш, замонавий ишлаб чиқариш занжирларини кенгайтириш ва экспорт географиясини янада оширишга хизмат қилади.

Шу ернинг ўзида Президентимизга Нарпай туманида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва насос станцияларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга бериш бўйича амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги режалар тақдимот қилинди.

Нарпай туманидаги 8 та насос станция ДХШ асосида хусусий секторга берилган. Ўтган даврда 21 та насос аргетларини 12,3 миллиард сўм инвестиция қиритиш ҳисобига янгилангани натижасида йиллик энергия истеъмоли 68,1 миллион киловатт-соатдан 34,1 миллион киловатт-соатгача камайтиришга эришилди.

Умуман, Самарқанд вилоятининг сув хўжалигига янги илмий ёндашувлар жорий қилинмоқда. Бу борада илм-фа ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимига илмий маслаҳатчи бириктирилмоқда. Шунингдек, соҳада дуал таълим йўлга қўйилиб, 72 нафар талабанинг сув хўжалиги, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, гидротехника ва гидроэнергетика, кадастр ва экология йўналишларида 6 ойлик узлуксиз амалиёти йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари бу ишларни изчил ва тизимли давом эттириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Нарпай туманида Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди.

Сўзининг аввалида давлатимиз раҳбари йиғилганларни кириб келаётган **муборак Рамазон ҳайити** ҳамда қўлтуғ айём – **Наврўзи олам** билан чин юракдан табриклади. Самарқандга охириги ташрифдан сўнг ўтган тўрт ой ичида мамлакатимиз ҳаётида катта ўзгаришлар рўй бергани таъкидланди.

– Биз Ватанимиз куч-қудратини ошириш, ҳар бир оила ва ҳар бир инсоннинг ҳаётини яхшилаш бўйича янада катта марраларни олганми. Бугун ҳудудларда амалга оширилаётган ишларни кўриб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Айни пайтда шунини яхши англашимиз керак, энди кечаяк ҳаракат бугунга, бугунгиси эса эртанги кун талабига камлик қилади. Шу боис, белгилаб олган марраларга эришиш учун янада самарали ҳаракат қилишимиз зарур, – деди давлатимиз раҳбари.

Самарқанд ишсизлик, камбағаллик, инвестиция, экспорт масалалари, умуман, барча соҳада намунавий вилоят бўлиши шартлиги қайд этилди.

Вилоятда маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш учун **100 миллион доллар, Ургут туманининг ўзига яна 50 миллион доллар** ажратилди. Умуман, вилоятга барча манбалар ҳисобидан **11 триллион сўм** йўналтирилмоқда. Тадбиркорларга кредит учун яна 18 триллион сўм ресурс берилмоқда. Ҳажми жиҳатидан бу миқдордаги маблағ ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Буларнинг барчаси туманларда ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, пировардида вилоят иқтисодиётини ўстиришга хизмат қилиши кераклиги таъкидланди.

Ўтган йили **сунъий интеллект инфратузилмасига 100 миллион доллар, ушбу соҳадаги стартап лойиҳалари учун яна 100 миллион доллар** берилди. Бу катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш орқали ҳудудларни ривожлантириш бўйича энг тўғри ечимларни топши учун янги имконият экани қайд этилди.

Шуларни ҳисобга олиб, туманларнинг саноат, сервис, қишлоқ хўжалиги кўрсаткичлари, ер ости ва ер усти захиралари, меҳнат ресурси, аҳолининг бизнес ва касбий ҳуқуқмасини сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш, маҳаллаларнинг имкониятлари асосида туманни ривожлантиришнинг ички моделини ишлаб чиқиш зарурлиги айтилди.

Ушбу таҳлиллар асосида туман ҳокими, “маҳалла еттичилиги”, маҳалла банкларини ресурсларни энг кўп иш ўрни яратадиган ва бюджетга тушумни кўпайтирадиган лойиҳаларга йўналтилади. Бу тизим **1 майга қадар Нарпай ва Термиз туманларида** бошланиб, бутун республика учун намуна қилинади.

Самарқанд вилоятини раҳбарияти олдида камида 9 фоизли иқтисодий ўсиш қилиб, **япи ҳудудий маҳсулотни 144 триллион сўмдан ошириш, 3 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этиб, экспортни 1,2 миллиард долларга олиб чиқиш вазифаси тургани қайд этилди. 100 минг аҳолини доимий ишли қилиш, 31 минг оилани камбағалликдан чиқариб**, вилоятни ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Масалан, **Нарпай туманида** 240 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Ишсизлик 4,9 фоизни, камбағаллик даражаси эса 5 фоизни ташкил қилмоқда. Нарпай саноат бўйича вилоятда 9-ўринда, қишлоқ хўжалиги ва сервис соҳасида 11-ўринда туради.

Бу кўрсаткичларни яхшилаш учун Нарпайга режа қилинган 150 миллиард сўмга қўшимча **яна 100 миллиард сўм берилди**. Кичик ва ўрта бизнес учун **360 миллиард сўм ресурс** ажратилади.

Вилоятдаги магистрал йўлларнинг 34 километри Нарпайдан ўтгани савдо ва сервисни ривожлантириш учун жуда

Вилоятни янада ривожлантириш вазифалари белгиланди

катта имконият экани таъкидланди. Лекин йўл бўйларида 10-15 та кичик сервис шохобчасидан бошқа одамларни жалб қиладиган бирорта жой йўқлиги кўрсатиб ўтилди.

Масалан, Мирбозор чорраҳасидан кунига 60 минг транспорт ўтади. Лекин бу ердаги йўл тор бўлгани учун 2 километргача тирбандлик юзага келмоқда.

Қурилиш учун хомашё захираларининг тўртдан бири Нарпайда жойлашган бўлса-да, қурилиш материаллари бўйича бирорта йирик корхона йўқлиги қайд этилди. Туман саноатининг вилоятдаги улуши 2 фоиз. Ҳудудидан 36 километр темир йўл ўтган, 21 гектарли кичик саноат зоналари бўлган туманга бу кўрсаткичлар ярашмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Самарқанддаги сувли ерларнинг қарийб 10 фоизи ушбу туманга тўғри келади. Бироқ Нарпай вилоятдаги қишлоқ хўжалигининг 5 фоизини ҳам бермайди.

Туман мутасаддиларига шу ва бошқа муаммоли масалаларни ҳал қилиш йўллари кўрсатиб берилди.

Нарпай туманида 100 гектарда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат зонаси ташкил қилиниши эълон қилинди. У ерда жорий йилнинг ўзида 300 миллион долларлик лойиҳалар бошланади.

Мутасаддиларга сунъий интеллект ёрдамида ҳар бир маҳалла имкониятини “диагностика” қилиш, “Усиш нукталари”ни аниқлаб, туманни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш, даромадини кўпайтириш бўйича Нарпай тажрибасини яратиш топширилди.

Шунингдек, Нарпай қўлпўнаҳчилик мактаби ташкил этилиб, тумандаги **25 та маҳалла қўлпўнаҳчиликка ихтисослаштирилди**.

Президентимиз **Қўшработ туманига** алоҳида тўхталиб ўтди. Туманнинг тадбиркорлик инфратузилмасини яхшилаш учун **60 миллиард сўм ажратилмоқда**. “Оқтепа” худудидаги 5 та маҳаллада 3 минг хонадон узум етиштириш билан шуғулланади. Шунингдек, “Оқчопсой” худудида ўрмон фондидаги 700 гектар ер бўш турибди.

Туман раҳбарларига ушбу имкониятлардан унумли фойдаланиш, жорий йилда **300 гектарда “ин-витро” узумзор, 800 гектарда интенсив токзор** ташкил этиш, 3,5 минг гектар узумзорни шпалерга ўтказиш, 18 та маҳалла аҳолисини узумчиликка ўргатиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Каттақўрғон туманидаги имкониятлар кўриб чиқаратган экан, туманнинг инфратузилма бор жойларидидаги 12 та трактор паркни 8 гектар ери бўш тургани, “Бўстон-1” насос станцияси таъмирланса, 1 минг гектарда сув таъминоти яхшиланиши кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, ҳокимлик захирасидаги 830 гектар пахта ва галла ери 3-4 ойдан бери аукционда тургани, бу ерларни одамларга қулай шартларда тақлиф қилиш имкончилиги қайд этилди.

Умуман, **Нарпай, Қўшработ, Каттақўрғон, Пахтачи туманлари, Каттақўрғон шахрининг** вилоят саноатидаги жами улуши бор-йўғи 10 фоизни ташкил қилаётгани кўрсатиб ўтилди.

Уларда саноатни ривожлантириш бўйича дастур қилиниб, **1 триллион 200 миллиард сўм ажратилди**. Бу маблағларнинг **800 миллиард сўми саноат лойиҳаларини** зарур инфратузилма билан таъминлашга, қолган 400 миллиард сўми йўл, сув, электр таъминотини яхшилаш, сервис ва реновация лойиҳаларига йўналтирилади.

Ушбу маблағ доирасида Каттақўрғон шахридан 40 километр масофадаги **Ингичка шахарчасига саноат ва “Янги**

Ўзбекистон” қиёфаси киради. Бундан ташқари, Каттақўрғон шахри марказидаги Нарпай каналидан ўтган, 60 йил олдин қурилган кўприк ҳам реконструкция қилинади.

Жорий йил вилоятга 500 та электробус олиб келиш чораларини кўриш топширилди.

Умуман, **Нарпай, Пахтачи, Пайарик, Қўшработ, Иштихон, Каттақўрғон туманлари ва Каттақўрғон шаҳрида** саноат ва сервисни ривожлантириш, янгича қиёфа олиб кириш вазифаси қўйилди.

– **Кўриб турибсизлар, дунёдаги нотинчликлар туфайли логистика занжирларининг узилиши, нефть нархи ва транспорт харажатиинг ошиши озик-овқат нархларига таъсир қилиши табиий. Шу билан бирга, 100 миллионга яқин турист саёҳат учун тинч ва хавфсиз мамлакатларни қидирмоқда. Бу шароитда озик-овқат маҳсулотларини қўлай-тириш, туризм ва сервисдаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш ҳокимларнинг асосий вазифаси бўлиши керак**, – деди Президентимиз.

Бу борадаги вазифалар белгилаб берилди.

Вилоятдаги **250 минг гектар яйлов** узок йиллар фойдаланиб келган чорвадорларни ўзига тўғридан-тўғри ижарага берилди. Вилоятда яна **52 минг гектар ердан фойдаланаётган 150 нафар чорвадор, 1 минг бошдан насли қўй-ечки** боқиш истагини билдирган юзлаб тадбиркорлар бор. Шу боис, яйлов ерларини тўғридан-тўғри ижарага бериш муддати яна бир йилга узайтирилиши белгиланди. Эндиликда яйлов ижарасидан тушган маблағ тўлиғича яйлов хўжалиқларининг ўзида қолади.

Аҳоли чорвани уйда боқиб, баҳор-ёз фаслида далага олиб чиқишга ўрганган. Лекин чорвани ўтлатадиган жой камайиб кетаётгани қайд этилди.

Шунинг учун вилоятнинг **4 та туманида жами 43 минг гектарда жамоат яйловлари ташкил этилади ва маҳаллаларга 30 йилга бепул ижарага берилди**.

Яйловларда қудуқ казиб, сув чиқариш, уруғ экиш ва деградациядан чиқариш харажатларига **50 миллиард сўм** ажратилиш топширилди.

Чорва наслчилиги учун лаборатория ускунаси ва насли қорамол сотиб олишга **10 йилга 12 фоизли кредит** берилди.

Самарқанд азал-азалдан **паррандачилик бўйича** етакчи ҳудудлардан ҳисобланади. Энди парранда генетикаси мактабини яратиш бўйича ишларни жадаллаштириш кераклиги таъкидланди.

Бу борада **Булунғур туманида 50 миллион долларлик гўшт** йўналишидаги наслчилик корхонаси ишга туширилади. Қўшработда **20 миллион долларлик тухум** йўналишидаги наслчилик корхонасининг фаолияти йўлга қўйилди.

Самарқандлик тадбиркорлар **интенсив балиқ** етиштириб, ҳосилдорлиқни **4-5 қарра** ошириш учун панел ўрнатиш харажати қисман қоплаш ва кафолатли сув билан таъминлашни сўраган.

Бу тақлиф қўллаб-қувватланиб, жорий йил 1 майдан бошлаб қуёш панеллари учун **16 фоизли кредит** ажратилиши белгиланди. Панелни ўз маблағидан ўрнатганларга **25 фоиз харажати** қоплаб берилди.

Ўтган йили республикада **88 минг гектарда картошка** етиштиришга **400 миллиард сўм** берилган. Лекин жойларда иш тўғри ташкил қилинмагани учун 48 минг гектарда картошка экилмасдан қолган. Берилган маблағнинг 25 фоизи ишлатилди, холос.

Жорий йилда **135 минг гектар**, хусусан, **Самарқандда 22 минг гектарда картошка** экиш режа қилинган. Мутасаддилар бу йил режадаги ҳар бир қарч ерга картошка ўз вақтида экилиши шартлиги ҳақида огоҳлантирилди.

Жумладан, Мисрдан **250 минг дона картошка мини туганаги** олиб келиниб, Булунғур туманида кўпайтириш бошланади. Голландиядан **6 минг тонна уруғлик картошка** олиб келиниб, фермерларга устамасиз етказиб берилади.

Шу ўринда **Оқдарё туманида** 10 миллион дона картошка мини туганаклари чиқариш қувватига эга ин-витро лабораторияси ишга тушгани таъкидланди. У ерда тайёрланган **40 минг тонна супер элита уруғини** деҳқонларга бепул тарқатиш топширилди.

Президентимиз туризм соҳасидаги вазифаларни белгилаб берди.

Халқро туризм бозоридидаги ноаниқлик ҳолатида Ўзбекистонни хавфсиз туристик йўналиш сифатида тарғиб қилиш бўйича катта кампания бошланиши таъкидланди.

Бу жараёнда туризм учун энг қулай давр бўлган апрел-июнь ойлари бўйича алоҳида дастур тайёрланиб, **“Ўзбекистонда очик туризм мавсуми”** эълон қилинади. Бу жараёнда туризм учун энг қулай давр бўлган апрел-июнь ойлари бўйича алоҳида дастур тайёрланиб, **“Ўзбекистонда очик туризм мавсуми”** эълон қилинади.

Бундай авиакомпанияларга аэропорт хизматлари учун **20 фоиз чегирма** тақдим қилинади.

Йиғилишда маҳаллий туроператорлар учун ҳам ангилклар эълон қилинди.

Хусусан, 1 апрелдан бошлаб туроператорларга уч ой давомида жалб қилинган **1 минг хорижий турист** учун бюджетдан **5 минг долларгача субсидия** берилади.

Қўшилган қиймат солиғининг ярми “кешбек” сифатида қайтарилади.

Ижтимоий тармоқларда 5 миллиондан ортиқ кузатувчиси бўлган 50 та хорижий блогерга Ўзбекистонга келиши учун етти кунлик бепул турпаке тақдим этилади.

Дунёдаги энг йирик онлайн сайёҳлик платформаларида Ўзбекистонга саёҳат тарғиботи билан боғлиқ харажатлар ҳам қоплаб берилади.

Жорий йилнинг ўзида дунёга машҳур бўлган камида **5 та санъаткорнинг гастролни**, шунингдек, **10 та бизнес форуми** ва мода фестивалини Самарқандда ўтказиш муҳим экани таъкидланди.

Шу билан бирга, Самарқандни аниқ ва табиий фанлар бўйича олимпиада, форум ва илмий конференциялар ўтказадиган ҳабага айлантириш учун барча имкониятлар борлиги кўрсатиб ўтилди.

Масалан, **2028 йилда** Самарқандда ўтказиладиган **Халқаро астронавтика конгрессида** ҳозирнинг ўзида юздан ортиқ давлатдан **10 мингга яқин** одам иштирок этиш истагини билдирган. Мутасаддилар

O'ZBEKISTON TADBIRKORLIK, BIZNES VA XIZMAT KO'RSATISH SOHALARI XODIMLARI KASABA UYUSHMASI SAMARQAND VILOYAT BIRLASHGAN QO'MITASI

Viloyatimizdagi tadbirkorlarni va barcha
yurtdoshlarimizni yangilanish va yosharish bayrami –

NAVRO'ZI OLAM

hamda musulmon ahli uchun muqaddas ayyom –

RAMAZON HAYITI

bilan tabriklaydi.



Barchangizga
mustahkam sog'lik,
omad va shodlik
tilaymiz!

"SAMARQAND IPAK YO'LI"

MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI JAMOASI



azaliy qadriyatlarimiz va an'analarimiz timsoli –

Navro'zi olam va Ramazon hayiti

bilan barchangizni qutlaydi.

TINCH VA OSOYISHTA YURTIMIZGA KO'Z TEGMASIN!

Xizmatlar litsenziyalangan.

"TEMIR YO'L DEHQON BOZORI"

MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI JAMOASI

bunyodkor xalqimizni

Navro'zi olam va Ramazon hayiti

bilan muborakbod etadi.



YURTIMIZ
TINCH,
OSMONIMIZ
MUSAFFO
BO'LSIN!

Xizmatlar litsenziyalangan.



"SIYOB DEHQON BOZORI"

MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI JAMOASI

viloyatimiz ahlini va
mehmonlarini

Navro'zi olam va Ramazon hayiti

bilan samimiy tabriklaydi.

Sharqona yangi yil
xonadoningizga quvonch va
shodlik, qut-baraka olib kelsin!

Xizmatlar litsenziyalangan.

Ziyolilar

Mulohaza

NEGA GAZETA

o'qimaydi?

Kundalik hayotimiz ijtimoiy tarmoqlarga bog'lanib qolgan, go'yo unga kirmasak, barcha axborotdan quruq qoladigandekmiz. Ammo yaqinda Angliyada istiqomat qiladigan dugonam haftaning bir kunini ijtimoiy tarmoqlarsiz o'tkazishini aytib qoldi.



na "Mainichi Shimbun" gazetasi 8 milliondan ortiq nusxada chop etilar ekan. Yaponlar gazeta o'qishni qanday odatlantirgan, degan savol tug'ilishi tabiiy. Sotsiolog buning bir necha sabablarini ham sanab o'tgan.

Birinchidan, gazetalarini uyga yetkazib berish xizmati juda yaxshi yo'lga qo'yilgani, - deydi u. - Har bir xonadonga kundalik gazetalar ertalab soat to'rt-besh atrofida yetkaziladi. Ikkinchidan, boshlang'ich sinflarda o'quvchilarga gazetaning qanday muhimligi o'rgatiladi. Hatto maktabda gazeta o'qish darslari bor. Uchinchidan, har qanday yaponlardan o'ta kim, deb so'ralsa, ertalab ishga ketishdan oldin gazeta o'qib o'tirgan insonni tasvirlab beradi. Otasining har kuni gazeta o'qib o'tirganini ko'rgan bolalar, albatta gazeta o'qishadi. Yapon bolalari gazeta o'qish muhimligini his qilib o'sishadi.

Bizda-chi? Afsuski, ko'pchilik oilalarda otalar ishga ketishdan yarim soat oldin uy'ona. Apil-tapil kiyinib, choyini ham chala ichib, ishga o'tlanadi. Gazeta o'qish tugul bolalari bilan dasturxon atrofida bemalol choy ichmaydigan otalar bor. Achinarlisi, o'zini ziyoli sanaydigan ba'zi qatlam vakillari gazeta obunalarini to'xtatishni, odamlar xabarlarini ijtimoiy tarmoqlardan o'qishga odatlanib bo'lganini aytishmoqda. Ammo masalaning yana bir tomoniga e'tibor qaratish kerak. Gazeta o'qishga odatlangan avlod vakillari kitobni ham sevib o'qiydi. Chunki ularda o'qish ko'nikmasi shakllangan bo'ladi.

Bizning bolaligimiz ham aslida shunday o'tgan. Uyimizga taxlam-taxlam gazeta va jurnallar keldi. Dadam "Sovet O'zbekistoni" gazetasini o'qirdi. Biz gazetadagi maqolalar mazmuniga tushunmasak-da, oxirgi varag'ini, ya'ni adabiyot sahifasini o'qirdik. Shuningdek, "Fan va turmush", "Mushtum", "Saodat" jurnallarini talashib mutolaa qilardik. Yuqorida B.Iskandarov aytganidek, oilamizga muntazam gazeta-jurnallarning kelib turishi va kattalarning mutolaa si biz, bolalarni kitobxonlikka o'rgatgan.

Endi-chi? Kimning uyiga gazeta, jurnal taxlam-taxlam bo'lib boryapti? Hatto ziyolilarimiz ham gazeta o'qimay, unga obuna bo'lmay qo'ydi. Natijada umuman o'qishga qiziqishi yo'q avlodni tarbiyalayapmiz. To'g'ri, hammaning ham gazeta-jurnalga obuna bo'lishga cho'ntagi ko'tarmas, ammo ta'lim muassasalariga ham bosma nashrlar sanoqli keladi. Masalan, umumta'lim maktablarida bugun o'rtacha 30-40 nafar o'qituvchi faoliyat yuritisa, kutubxonasi atigi 2-3 ta gazeta boradi. Keyingi yillarda gazeta-jurnallar yo'qolib ham boryapti. Xo'sh, nima uchun? Ziyolilar gazeta o'qimaydimi?

Fakt va raqamlarga murojaat qiladigan bo'lsak, o'qituvchilarning respublika nashri hisoblangan "Ma'rifat" gazetasida 2026-yil davlat atigi 3751 nusxada chop etilyapti. Samarqand viloyatida bugun 1275 ta yilidam umumiy o'rta ta'lim maktabi hamda 55 ta nodavlat maktablar bo'lib, ularda 61 808 nafar pedagog xodimlar mehnat qilmoqda. Agar har bir maktab bir donadan "Ma'rifat" gazetasiga obuna bo'lganida ham viloyatimizga 1330 ta gazeta kelishi kerak edi.

Ayni kunda respublikamizda 10 mingdan ortiq umumiy o'rta ta'lim maktabi bor. Hech bo'lmasa bir nusxadan obuna bo'lgan taqdirida ham "Ma'rifat" gazetasining tiraji 10 mingdan ziyod bo'lishi kerak edi. Nahotki bir maktabdan 40 nafar o'qituvchi bitta gazetaga obuna bo'la olmasa? Loqaal direktor jamg'armasidan gazeta-jurnallar uchun obuna tashkil qilinsa bo'lmaydimi?

Keyingi yillarda o'qituvchilar ham yaxshi maosh o'lyapti, ularga qo'shimcha ustamalar berilyapti. Masalan, 2025-yilda viloyatda 346 nafar maktab o'qituvchisi 1000 dollardan ortiq maosh olgan. Mayli, biz buni iddao qilmayapmiz, aksincha, xursand bo'ldik. Faqat ziyolilarning mutolaa qilmay qo'yganini bizni tashvishga solmoqda. Negaki ziyoli qatlam o'qimasa, boshqalardan nima kutish mumkin?

Shu o'rinda bir voqeani misol keltiram. Yaqinda tahririyatimizga maktab direktori maqola yo'llabdi. Ochig'i, maqolani o'qib, hech narsaga tushunmadim. Keyin o'sha maktab direktori bilan bog'lanib, fikrlarini telefon orqali oldim va maqolani qayta yozdim. Maqolani muallifga tashlab berdirdim.

To'g'risini aytmas, fikrlarimni qanday qog'ozga tushirishni bilmasdan ChatGPT yozib bergan matnlarni o'zim ham tushunmasam-da, tahririyatga yuborgandim. Rahmat sizga, chiroyli maqola chiqibdi, - dedi maktab direktori.

Hayotimizda mutolaa madaniyatining yo'qligi ziyolilarni mana shunday achinarli ahvolda solyapti. Hatto oliy ta'lim muassasalari o'qituvchilari ham ChatGPTga maqola yozdirib, tahririyatga jo'natyapti. Aslida bunday holatdan uyalish kerak.

To'g'ri, shu paytgacha tashkilot va muassasalarga gazeta va jurnallar majburiy tarzda obuna qildirdi. Majburiy obuna yo'q bo'lgach, maktablar umuman obuna bo'lmay qo'ydi. Buni ayrim maktab direktorlari tan oldi. Xo'sh, endi ahvolimiz nima bo'ladi? Mutolaa taraqiyotga erishib bo'lmaydi-ku!

Xurshida ERNAZAROVA.

Kishi qaysi davrda tug'ilib, qanday tuzumda ta'lim olishi, ulg'ayishdan qat'i nazar, jamiyatning qaynoq nuqtalarida faoliyat yuritib, izlansa, harakatda bo'lsa, o'zining xolis munosabati bilan yashasagina, elga tanilar ekan. Bunga pastdarg'omlik fidoyi inson, faol jamoatchi G'afur Amirovning hayoti, faoliyatini misol keltirish mumkin.

G' Amirov 1956-yilning 25-martida tumanning Ag'ron mahallasida dunyoga keldi. Otasi, tumanning elga tanilgan hisobchilaridan biri bo'lgan Xitoy Amirov, onasi Mukarrama aya kelajakni ko'zlab, farzandlarining ta'lim-tarbiyasiga mas'uliyat bilan qaraydigan insonlardan edi.

G'afur aka 1962-1970-yillarda tumandagi maktab-internatni, 1972-yilda 31-umumiy o'rta ta'lim maktabini oltin medal bilan bitirdi. Samarqand davlat universitetining tarix fakultetiga imtiyozli ravishda o'qishga qabul qilindi. Uning tashkilotchiligi talabalik davridayoq ma'lum edi - o'zi o'qiyotgan kurs yoshlari yetakchiligi bajori, fakultet yoshlar tashkiloti byurosi a'zosi bo'ldi.

1977-yilda oliygohni muvaffaqiyatli bitirgach, Juma shahridagi 21-o'rta maktabning yoshlar tashkiloti kotibi etib saylandi. O'z navbatida, o'quvchilarga tarix fanidan dars berdi.

1979-1982-yillar tuman yoshlar qo'mitasi yo'riqchisi, bo'lim mudiri lavozimlarida mehnat qildi. Keyin ikki yil Moskva harbiy okrug qismlarining birida katta leytenant unvoni bilan rota komandirining siyosiy ishlar bo'yicha o'rinsosari vazifasida xizmat qildi.

1984-1988-yillarda Past Darg'om tumani komsomol komitetining ikkinchi kotibi, Go'zalkent tumani partiya komitetining targ'ibot-tashviqot bo'limi yo'riqchisi lavozimlarida ishladi.

Past Darg'om va Go'zalkent tumanlari birlashgandan keyin o'zi istiqomat qilayotgan xo'jalikka "partkom"lik qildi.

Sobiq ittifoq va kommunistik partiya ich-ichidan yemirilib kelayotgan, o'z hukmronligini saqlab qolishga chirananayotgan bir paytda "Mash'al" jamoa xo'jaligida umumxalq Navro'z bayramini

1977-yilda oliygohni muvaffaqiyatli bitirgach, Juma shahridagi 21-o'rta maktabning yoshlar tashkiloti kotibi etib saylandi. O'z navbatida, o'quvchilarga tarix fanidan dars berdi.

1979-1982-yillar tuman yoshlar qo'mitasi yo'riqchisi, bo'lim mudiri lavozimlarida mehnat qildi. Keyin ikki yil Moskva harbiy okrug qismlarining birida katta leytenant unvoni bilan rota komandirining siyosiy ishlar bo'yicha o'rinsosari vazifasida xizmat qildi.

1984-1988-yillarda Past Darg'om tumani komsomol komitetining ikkinchi kotibi, Go'zalkent tumani partiya komitetining targ'ibot-tashviqot bo'limi yo'riqchisi lavozimlarida ishladi. Past Darg'om va Go'zalkent tumanlari birlashgandan keyin o'zi istiqomat qilayotgan xo'jalikka "partkom"lik qildi.

Sobiq ittifoq va kommunistik partiya ich-ichidan yemirilib kelayotgan, o'z hukmronligini saqlab qolishga chirananayotgan bir paytda "Mash'al" jamoa xo'jaligida umumxalq Navro'z bayramini

1977-yilda oliygohni muvaffaqiyatli bitirgach, Juma shahridagi 21-o'rta maktabning yoshlar tashkiloti kotibi etib saylandi. O'z navbatida, o'quvchilarga tarix fanidan dars berdi.

1979-1982-yillar tuman yoshlar qo'mitasi yo'riqchisi, bo'lim mudiri lavozimlarida mehnat qildi. Keyin ikki yil Moskva harbiy okrug qismlarining birida katta leytenant unvoni bilan rota komandirining siyosiy ishlar bo'yicha o'rinsosari vazifasida xizmat qildi.

1984-1988-yillarda Past Darg'om tumani komsomol komitetining ikkinchi kotibi, Go'zalkent tumani partiya komitetining targ'ibot-tashviqot bo'limi yo'riqchisi lavozimlarida ishladi.

Past Darg'om va Go'zalkent tumanlari birlashgandan keyin o'zi istiqomat qilayotgan xo'jalikka "partkom"lik qildi.

Sobiq ittifoq va kommunistik partiya ich-ichidan yemirilib kelayotgan, o'z hukmronligini saqlab qolishga chirananayotgan bir paytda "Mash'al" jamoa xo'jaligida umumxalq Navro'z bayramini

1977-yilda oliygohni muvaffaqiyatli bitirgach, Juma shahridagi 21-o'rta maktabning yoshlar tashkiloti kotibi etib saylandi. O'z navbatida, o'quvchilarga tarix fanidan dars berdi.

1979-1982-yillar tuman yoshlar qo'mitasi yo'riqchisi, bo'lim mudiri lavozimlarida mehnat qildi. Keyin ikki yil Moskva harbiy okrug qismlarining birida katta leytenant unvoni bilan rota komandirining siyosiy ishlar bo'yicha o'rinsosari vazifasida xizmat qildi.

1984-1988-yillarda Past Darg'om tumani komsomol komitetining ikkinchi kotibi, Go'zalkent tumani partiya komitetining targ'ibot-tashviqot bo'limi yo'riqchisi lavozimlarida ishladi.

Past Darg'om va Go'zalkent tumanlari birlashgandan keyin o'zi istiqomat qilayotgan xo'jalikka "partkom"lik qildi.

Sobiq ittifoq va kommunistik partiya ich-ichidan yemirilib kelayotgan, o'z hukmronligini saqlab qolishga chirananayotgan bir paytda "Mash'al" jamoa xo'jaligida umumxalq Navro'z bayramini

1977-yilda oliygohni muvaffaqiyatli bitirgach, Juma shahridagi 21-o'rta maktabning yoshlar tashkiloti kotibi etib saylandi. O'z navbatida, o'quvchilarga tarix fanidan dars berdi.

1979-1982-yillar tuman yoshlar qo'mitasi yo'riqchisi, bo'lim mudiri lavozimlarida mehnat qildi. Keyin ikki yil Moskva harbiy okrug qismlarining birida katta leytenant unvoni bilan rota komandirining siyosiy ishlar bo'yicha o'rinsosari vazifasida xizmat qildi.

1984-1988-yillarda Past Darg'om tumani komsomol komitetining ikkinchi kotibi, Go'zalkent tumani partiya komitetining targ'ibot-tashviqot bo'limi yo'riqchisi lavozimlarida ishladi.

Past Darg'om va Go'zalkent tumanlari birlashgandan keyin o'zi istiqomat qilayotgan xo'jalikka "partkom"lik qildi.

Sobiq ittifoq va kommunistik partiya ich-ichidan yemirilib kelayotgan, o'z hukmronligini saqlab qolishga chirananayotgan bir paytda "Mash'al" jamoa xo'jaligida umumxalq Navro'z bayramini

1977-yilda oliygohni muvaffaqiyatli bitirgach, Juma shahridagi 21-o'rta maktabning yoshlar tashkiloti kotibi etib saylandi. O'z navbatida, o'quvchilarga tarix fanidan dars berdi.

1979-1982-yillar tuman yoshlar qo'mitasi yo'riqchisi, bo'lim mudiri lavozimlarida mehnat qildi. Keyin ikki yil Moskva harbiy okrug qismlarining birida katta leytenant unvoni bilan rota komandirining siyosiy ishlar bo'yicha o'rinsosari vazifasida xizmat qildi.

YETAKCHI, RAIS, IJODKOR

Yonimizdagi odamlar

nishonlashga bosh-qosh bo'ldi. 1991-1992-yillarda xo'jalik raisining ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'yicha o'rinsosarligi vazifasida ishladi. Mustaqillikning ilk yillaridan yangi tashkil etilgan "Mahalla" xayriya jamoat fondi tuman bo'limi boshqaruviga rahbar etib tayinlandi. Bu qiyin davrda G' Amirov tumandagi mahallalar faoliyatini shakllantirish ishlariga bosh bo'ldi. Uning tashabbusi bilan tumanda ilk bor namunal viloyat seminari tashkil qilindi. Pastdarg'omliklarning ish tajribasi viloyatga ommalashtirildi.

1995-yilda G' Amirov "Mash'al" jamoa xo'jaligiga rais etib tayinlandi. Xo'jalikni qoloqlikdan chiqarish uchun jiddiy harakatlar qilindi, hududdagi maktab va maktabgacha ta'lim muassasalariga otaliq yordamlari tashkil etildi. Dala shiyonlarida xo'jalik a'zolarining hordiq chiqarishlari uchun imkoniyatlar yaratildi, hududdagi qishloqlar gazlashtirildi.

G' Amirov keyinchalik O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi tuman kengashiga, hozirgi Salim Mallayev jamoa xo'jaligiga raislik qildi. Viloyat xalq ta'limi boshqarmasida ma'naviy-axloqiy tarbiya va maktabdan tashqari ta'lim bo'limini boshqardi. Samarqand tumani xalq ta'limi tizimiga kuratorlik vazifasini bajori.

Qolaversa, bir muddat azaliy orzusi bo'lgan jurnalistlik kasbi bilan ham shug'ullandi. 2010-yildan "Istiqlol umidlari" gazetasini tashkil etib, nashrni respublika miqyosida tarqatishga erishdi. 2013-yildan gazeta muassisligida "Yer yuzi" jurnalini nashr ettirdi. Ushbu mehnatlari evaziga "Xalq ta'limi a'lochisi" ko'krak nishoni bilan taqdirlandi.

E'tiborlisi, matbuot sohasida orttirgan tajriba G' Amirovni badiiy ijod bilan shug'ullanishga undab, "Ortga qarab qo'y", "Uch asr odamlari yoxud bir oila tarixi", "Hikmatomuz fikrlar", "Bilganing - boyliging" kabi asarlarini kitobxonlar hukmiga havola etdi. Yaqinda muallif Past Darg'om tumanining 100 yilligiga bag'ishlangan "Aql qal'asi" nomli yangi to'plamini nashrga topshirdi.

G'afur aka jamoat ishlaridagi faolligi uchun uch muddat xalq deputatlari Past Darg'om tumani Kengashi deputatligiga saylandi.

Bugun G' Amirov uch farzandning otasi, sakkiz nafar nabiraning sevimli bobosi. Farzandlari ziyoli, nabiralari nafuzli oliy ta'lim muassasalarining talabasi.

Fidoyi inson, kamtarin ustoz, umrini xalq xizmatiga bag'ishlagan G'afur Amirovni yaqinlari, do'stlari nomidan tavalludining 70 yilligi bilan tabriklaymiz!

Rahimjon NAIMOV,

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi a'zosi.



Aqlli

o'rindiqlar ortidagi

g'oya

Asli paxtachilik, bugungi kunda Samarqand shahrida faoliyat olib borayotgan ishbarmon yoshlardan biri Boburjon Astanov bundan uch yil avval "SamEcoBench", ya'ni "Aqlli tashqi o'rindiqlar" loyihasiga asos soldi. Ushbu startap loyihami amalga oshirishdan maqsad nima? Uning yaratilish tarixi qanday? Shu savollarga javob olish uchun yosh tadbirkor bilan suhbatlashdik.

— Do'stlarim bilan boshqa viloyatga sayohatga borgan-dik, — deydi u.

— Gadjetlarimizning quvvati tugab qoldi. Hududdagi bir nechta do'kon va qahvaxona egalariga murojaat qildik. Ular xizmatlaridan foydalansakgina gadjetni quvvatlab olishimiz mumkinligini aytishdi. Shundan keyin menda nega ko'chalarimizda mahalliy aholi yoki sayyohlar smartfonlari bepul va beminnat quvvatlab olish imkoniyati yo'q, degan savol tug'ildi.

Xalqimiz va mehmonlar uchun ana shunday imkoniyatni yaratish maqsadida Boburjon jamoa shakllantirib, xorij tajribasini o'rganishga kirishdi.

— Ijtimoiy tarmoqlarni kuzatar ekanmiz, Xitoy ko'chalarida o'rnatilgan aqlli o'rindiqlar e'tiborimizni tortdi, — deydi B. Astanov. — 2023-yilda xuddi shunday namuna yaratishga harakat

qildik, ammo u mamlakatimiz iqlimiga to'g'ri kelmadi. Shuning uchun mahalliy sharoitga mos aqlli o'rindiq ishlab chiqishga kirishdik va buni uddaladik.

Albatta, Boburjon uchun startap loyihami amalga oshirish oson kechmadi. Bir qancha qiyinchiliklarni yengib o'tishiga to'g'ri keldi.

— Faoliyatimizni boshlaganimizda, yangilik yaratdik, mahsulotimiz bozorda tez o'z o'rnini topadi, deb o'ylagandik, — deydi qahramonimiz. — Ammo adashgan ekanmiz. Startap loyiha o'ziga bozor yaratishi kerak ekan. Dastlab bunday loyihalarga e'tibor sust edi. Keyingi yillar faoliyatimizni kengaytirdik. "Aqlli o'rindiqlar"dan keyin "Aqlli bekat"lar ham yaratdik.

Mamlakatimizda yaratilgan imkoniyatlardan foydalangan holda startap loyiha bilan turli tanlovlarda ishtirok etdi.

— Qoraqalpog'istonda o'tkazilgan xalqaro "Green Spark" tanloviga g'olib bo'lib, 3 ming AQSh dollar miqdorida mablag'ni qo'lga kiritdik, — deydi B. Astanov. — Shuningdek, xalqaro ko'rgazmalarda ishtirok etdik. Loyihamiz haqida iliq fikrlar bildirildi.

2025-yilda o'tkazilgan "Eco Expo Central Asia 2025" xalqaro ko'rgazmasida ham qatnashdik. Respublika "Yashil hudud" tashkiloti bilan qariyb 1 milliard so'mlik shartnomalar imzoladik va mahsulotlarimizni mamlakatimiz turli hududlariga yetkazib berish imkoniyatiga ega bo'ldik.

Viloyatimizda startap loyiha orqali korxonalar tashkil qilgan yagona yosh tadbirkor bugun Samarqand shahridagi "Rem.ok.solar" korxonasi vakillari bilan

notarial idorasida marhum Kurbanov Shavkat Axrorovichga (2024-yil 12-noyabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Ahmedova Farangiz Aslamovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Lutfiy ko'chasi, 80-uy.

Payariq tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Islomov Shuhrat Qarshiboyevich notarial idorasida marhum Mirazimov Baxtiyor Jurakulovichga (2025-yil

hamkorlikda yangi loyihalarni amalga oshirmoqda. — Xorijda ishlab chiqarilgan geliokollektorlar, ya'ni suv isitkichlarni mamlakatimiz iqlimiga moslashtirish bo'yicha startap loyihalarni amalga oshirayapmiz, — deydi "SamEcoBench" va "Rem.ok.solar" korxonalarining bosh texnik muhandisi Shohjahon Astanov.

— Masalan, Xitoyda ishlab chiqarilgan suv isitkichlarda haroratni bir me'yorda ushlab turuvchi quрилmalarni iqlimimizga moslashtirish, elektr energiyasida uzilish bo'lgan taqdirda ham quyosh panellari orqali ishlashini ta'minlash ustida ish olib boryapmiz.

Boburjon Astanovning faoliyati shuni ko'rsatadiki, o'zida hayotiy muammolar boshlangan g'oya izlanish, sabr va bilim orqali mamlakat miqyosidagi innovatsion loyihaga aylinishi mumkin. "SamEcoBench" nafaqat qulaylik yaratayotgan startap, balki ekologik barqarorlik, yashil texnologiyalar va yosh tadbirkorlik rivojiga xizmat qilayotgan muhim tashabbusdir.

To'liq SIDDIQOV, Baxtiyor MUSTANOV (surat).

17-avgustda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilgan. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Islomov Shuhrat Qarshiboyevich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Payariq tumani Chelak shaharchasi, Istiqlol ko'chasi, 13-uy.

Samarqand shahridagi "SAM CARGO TRADE" mas'uliyati cheklangan jamiyatining (STIR: 311807562) dumaloq muhri va burchak tamg'asi yo'qolganligi sababli bekor qilinadi.

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 10 772 nusxada chop etildi. Buyurtma 112. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.

Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

G'.HASANOV.

Navbatchi:

D.TO'XTAYEV.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



9 1772010667009

Sotuvda narxi kelishilgan holda

